

УДК: 379.85:37.018.43:352.07

Ю.П. Уринбаева
СамИСИ, PhD, доцент

ГЛОБАЛИЗМ ШАРОИТИДА ЁШ АВЛОДНИ ВАТАНГА МУҲАББАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА МУЗЕЙ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЙИЛИШИ

Аннотация:мақолада глобализм шароитида ёш авлодни Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялашда музей туризмини ривожлантиришнинг давлат томонидан қўйилиши давлатнинг расмий ҳужжатлари бўйича асосланган ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар:глобаллашув, мафкура, экспонат, экспозиция, стратегия, мозий, авнгард, шарқшунос, аудиоид. стандарт.

Кириш. Сайёрамизда инсоният ҳаётининг глобаллашуви ва интеграциялашуви ахборот технологияларининг тараққиёти билан бирга боғланмоқда. Бу тараққиётнинг энг хавфли хусусиятларидан бири инсоннинг онги ва қалбини эгаллашдан иборат дейилмоқда. Одамларнинг тафаккури, онги, дунёқарашини эгаллашга бўлган ғоявий ҳаракатлар маънавий майдонида бажарилмоқда, мамлакатларни, халқларни ўзига қарам қилиш учун маънавий бузғунчилик усуллари қўлланилмоқда. Шунинг учун ҳам, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида одамларимизнинг маънавий мафкуравий ва ижтимоий сиёсий фаоллаштириш асосий вазифалардан бўлиб борапти.

Мана шу қизиқишни қондириш учун миллий мерос бойликларидан туризмда фойдаланишнинг зарурлигидан Ўзбекистоннинг миллий туризмида янги тур-музей туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг долзарблилиги юзага чиқди. Шу ерда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг-“*Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқимиз*”-деган сўзлари ҳам буюк тарихимиз, буюк давлатимиз ва буюк маданиятимиз билан чамбарчас боғланган миллий мерос бойликларимизни халқимизга ва жаҳонга музей туризми билан кўрсатишимиз мақсадли йўналиш бўлади[2].

Адабиётлар таҳлили. Музейшунослик замонавийликнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммоларига юз тутди. Янги музей концепцияси бўйича музейлардан фойдаланишнинг янги амалий усуллари жорий этилмоқда. Замонавий ҳаётда музейлар жамият ҳаётида актив иштирок этишига кўмак берувчи янада кенг дастурларни амалга ошириш керак[7]. Шундай кенг дастурлардан бири ватанимизнинг миллий туризмида янги тур-«Музей туризми»нинг туризмдаги амалиётини яратиш ҳисобланади. Бу масаланинг долзарблигини ҳисобга олиб Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Давлат таълим стандартларига «Туризмда музейшунослик» фанини киритди.

Жаҳон туризмнинг ривожланиши тенденцияларида музей туризмнинг жадал ривожланиб бораётганлигини эътиборга олиб, ватанимизда халқаро миқёсларда эътироф этилган кўплаб музейларимизнинг мавжудлигини ва бу музейлардан туризмда фойдаланишнинг истиқболлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда аҳолининг маънавий-маданий фаровонлигини оширишда, музей туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ўрнини белгилаш, услубий асосларини шилаб чиқиш илмий-амалий тадқиқотларини бажаришга киришдик. Шу йўналишларда дастлабки ишлар эълон қилинди[11.12.13.14.15.16.8,9].

Тадқиқот усуллари: статистик ва аналитик таҳлил, илмий экспедиция, ижтимоий сўров тадқиқотлари.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистонда музей туризмини ташкил қилиш ва ривожлантириш зарурлигининг келиб чиққанлигини қуйидаги манбалар бўйича асосланди:

1. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида музейлар фаолиятини тартибга солиш, изчил ривожлантириш мақсадида йигирмадан ортиқ ҳукукий-меъёрий ҳужжатлар амалиётга татбиқ қилинди. Хусусан, “Музейлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси

Қонуни, Президент Фармон ҳамда қарорлари ва бошқа ҳужжатлар асосида музейлар фаолияти янгиланиб, уларнинг моддий-техника базаси замон талабларига мос равишда мустаҳкамланди.

2. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи[4]: *Музейлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича етти йиллик дастур қабул қилинади. Экспонатларни сақлаш ва муҳофаза қилиш бўйича барча музейлар замонавий ускуналар билан жиҳозланади ва энг ноёб экспонатлар маркировка қилинади. Инновацион технологиялар асосида тарих музейи ҳамда санъат музейининг замонавий янги бинолари барпо этилади. Темурийлар тарихи ҳамда Табиат музейларининг экспозицияси янгиланади. Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи капитал таъмирланади.*

3. 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси, жумладан, «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастурида ҳам туризмни ривожлантириш бўйича асосий вазифалар белгилаб олинган:

-маҳаллий аҳолининг мамлакат бўйлаб саёҳатларини рағбатлантириш, сайёҳлар учун қулай инфратузилма яратиш, ҳудудларнинг сайёҳлик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш орқали ички туризмни тизимли ривожлантириш;

-хорижий сайёҳларнинг таширифи учун кенг шароитлар яратиш, уларнинг саёҳат дастурларини мазмунан бойитиш ва кўрсатиладиган хизматлар турларини кенгайтириш ҳисобига туризмни жадал ривожлантириш;

-мустақиллик йилларида Ўзбекистон музейларида сақланаётган моддий ва маданий меросимизни кенг жаҳон оммасига намойиш этиш бўйича қатор кўргазмалар жаҳон музейларида ташкил этилди.

Юқорида санаб ўтилган соҳа ривождаги мувафаккиятлар Ўзбекистонда музейшунослик соҳасини тараққий этишига мустаҳкам замин яратган омиллардир.

4. Музейлар фаолиятини янада кучайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори[5], Ўзбекистон Республикаси нинг Биринчи Президенти И. Каримовнинг “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони[6] республикадаги музейларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлашнинг муҳим моддий-ҳуқуқий пойдевори сифатида хизмат қилди. 1998 йил “Ўзбекмузей” Республика жамғармаси тузилиб, 1999 йилдан эса халқимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг музейшунослик борасидаги маданиятини оширишга кўмаклашувчи “Мозийдан садо” журнали таъсис этилиб, ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этила бошланди. Республика музейларининг асосий фонди 1999 йилнинг ўзидаёқ, 7544та тарихий ва маданий ёдгорликлар билан бойиди.

5. 1998 йил 29 январда Франциянинг Канн шаҳрида ушбу музейнинг 284та экспонатдан иборат кўргазмаси ташкил этилиб, Европани ҳайратлантирган бўлса, 2017 йил 4-5 апрель кунлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига қилган ташрифи доирасида Москвадаги Пушкин номли тасвирий санъат музейида ҳам И. Савицкий музейи кўргазмасининг очилиши Россиялик санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотди.

6. “Саҳродаги авангард”: Флоренсия ва Венецияда Ўзбекистон кўргазмалари очилди. 2024-йилнинг 16 апрел куни Флоренсия шаҳрида жойлашган Палаццо Питти саройидаги Уффици галереясида “Ўзбекистон: Саҳродаги авангард” йирик кўргазмасининг “Нур ва ранг” номли биринчи қисми очилди. Кўргазмада Марказий Осиёнинг XX асрга оид бадиий асарлари намойиш этилди. Ушбу экспозиция томошабинлар эътиборини XX асрнинг биринчи ярмига оид рус шарқшунос-ижодкорлари ва миллий санъат мактаби вакиллари асарларида акс этган Марказий Осиёнинг бадиий қиёфасига қаратади.

Ушбу кўргазма эшиклари ташриф буюрувчилар учун 2024 йил 30 июнга қадар очик бўлди. 17 апрел куни Венециядаги нуфузли Ка Фоскари университетида “Ўзбекистон: Саҳродаги авангард” кўргазмасининг “Шакл ва рамз” номли иккинчи қисми очилди. Ушбу кўргазмага ташриф буюрувчилар авангард усталарининг асарлари, архив суратлари ва

мултимедиа объектлари орқали маданий бойлик ҳамда авангарде ориенталис ривожланиш босқичлари билан танишиш, шунингдек, маданий меросни сақлаб қолишда Игор Савицкийнинг ролига баҳо бериш имкониятига эга бўлди.

7. *Ўзбек пазандачилик санъати музейи ташкил этилади.* “Гастрономик туризмни ва ўзбек миллий пазандачилиги санъатини янада оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳукумат қарори лойиҳаси эълон қилинди. Қуйидагилар Ўзбекистоннинг гастрономик туризм салоҳияти ва миллий пазандачилик санъатини оммалаштиришнинг устувор йўналишлари этиб [белгиланади](#):

- Ўзбекистоннинг гастрономик туризм салоҳиятини кенг тарғиб этиш орқали мамлакатга ташриф буюраётган сайёҳлар оқимини ошириш;
- миллий пазандачиликни санъат даражасига кўтариш ва “Ўзбек миллий таомлари брендини” яратиш;
- гастрономик туризм йўналишда хизматлар кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш.

Туризм қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Ошпазлар уюшмасининг уюшма ҳузурида Халқаро ўзбек пазандачилик санъати маркази ҳамда *Ўзбек пазандачилик санъати музейини* ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилади.

8. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида қуйидаги танқидий фикрлар айтилган эди: *“Афсуски, юртимиз тарихини ўрганишимизда ўтган даврда археологик тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмади. Шунинг учун Фанлар академиясининг Археология ва Санъатишунослик институтлари фаолиятини, олий ўқув юрлари ва музейлардаги археологик изланишларни чет эллик ҳамкорлар билан бирга ташкил этиш зарур”*. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг 1019 йил 12 февралда *“Юртимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, илмий тадқиқот ишларини кучайтириш ҳамда уларни келажак авлодга етказиш, мамлакатимиз музейларида сақланаётган тарихий экспонатларни тўлиқ хатловдан ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси”* ишлаб чиқилди.

9. Маданий мерос агентлиги ахборот хизмати [10]:

- 2024 йилнинг 9 ойи давомида мамлакатимиз музейларига жами 3 млн. 4 минг 549 нафар маҳаллий ва хорижий сайёҳлар ташриф буюрди;
- Музейлар ҳамда музей ашёлари ва тўпламлари тарғиботини янада кучайтириш мақсадида Берлин (Германия), Боку (Озарбайжон), Флоренсия, Венеция (Италия) шаҳарларида Ўзбекистон музей ашёларининг кўргазма намойишлари бўлиб ўтди;
- Музейларга инклюзив шарт-шароитлар яратиш мақсадида 53 та музейда пандус йўлакчаси, 9 та музейда кўтарилиш воситаси (лифт) ўрнатилди ва 35 га яқин музейларда аудиогидлар ташкил этилди;
- Хориждаги кутубхона, музей, фонд ёки бошқа илмий-маданий муассасаларда сақланаётган мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид 308 та маданий бойликнинг илмий тавсифи тайёрланди. Хорижда сақланаётган алломаларимиз меросига оид қўлёзмалардан 15 та электрон нусхалар олинди;
- Ўзбекистон “Осиё маданий меросини сақлаш альянси”га аъзо бўлди. Шунингдек, жорий йилнинг 12 сентябрь куни Ўзбекистон Республика сининг «Маданий ёдгорликларни сақлаш ва реставрация қилиш бўйича халқаро тадқиқот маркази Уставига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Мамлакатимиз ушбу халқаро тадқиқот марказига 138-давлат бўлиб қўшилди.

10. Республикамизда туризмни ривожлантиришда мамлакатимиздаги музейлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, халқимизнинг ижтимоий, маърифий ҳаётида, ёш авлодни маданий етук тарбиялашда, инсоннинг билим доирасининг кенгайишини шакллантиришда музейларимиз дан туризмда фойдаланишни кучайтириш янада долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида қуйидагилар белгиланган[1]:

-аҳоли, энг аввало, ёш авлод учун мўлжалланган, интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда, музейларнинг фаолиятига инновацион ахборот технологиялари кенг жорий этиши ва музей экспонатларининг рақамли шакллари яратиши орқали музей экспонатларини кўриши имконини берадиган инфратузилмани яратиши;

-музейларда имкониятлари чекланган шахслар, кекса ёшдаги ташриф буюрувчилар, мактабгача ёшдаги болалар ва уларга ҳамроҳлик қилаётган шахсларга хизмат кўрсатиши ва қулайлик яратишининг инклюзив услубларидан кенг фойдаланиши;

Мазкур Қарор ватанимиздаги музейлар фаолиятини тараққиётга бошлайди. Бу тараққиётга мамлакатимизнинг миллий туризми ҳам ўзининг самарали илмий-амалий тадқиқотлари ва меҳнатларини қўшиши лозим. Миллий туризмда музейлардан фойдаланишни ташкил қилиш ва ривожлантиришга жадал киришиш керак. Иккинчидан, мамлакатимизда сўнги йилларда халқимизнинг, айниқса ёш авлодларнинг музейларга қизиқиши ва ташриф буюришлари, бу ташрифларни ташкил қилувчи ташаббускорлик ҳам, айтилиши ва дунё халқларининг, халқаро туристларнинг, ватанимизга ташриф қилган давлат раҳбарларининг музейларимизга қизиқишлари ҳам йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Чунки, Ўзбекистонда халқаро микёсларда маълум ва машҳур бўлган музейлар бор.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Музейларда хизматлар соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорида қўйидаги топшириқлар белгиланган[3]:

11.1. Мамлакатимиздаги музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг маркетинг сиёсати ва хизматлар соҳасини комплекс ривожлантириш, музейларга инновацион технологияларни самарали қўллаш, шунингдек, музейларда ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс давлари, буюк алломалар ҳаёти ва фаолиятига оид замонавий янги экспозицияларни яратиш, музей тўпламларидаги бой тарихий ва маданий меросимизни кенг тарғиб қилиш, 2022-2026-йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичларга мувофиқ:

- музейлар фаолияти соҳасида илмий тадқиқотларни кучайтириш, улар фаолиятини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш, соҳада юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, уларнинг малакасини тизимли равишда ошириб бориш;
- музейларнинг замонавий янги концепциялари, ташриф буюрувчилар, хусусан имконияти чекланган шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, музей ашёларини ишончли сақлаш, туристларга хизмат кўрсатишни ривожлантириш, соҳага хорижий илғор тажрибаларни самарали қўллаш, музейлар фаолиятини рақамлаштириш;
- замонавий илғор архитектура-режалаштириш, интерьер, дизайн ва ландшафт ечимларига эътибор қаратган ҳолда ҳар бир музей биносининг эскиз лойиҳасини музей фаолиятининг йўналиши ва мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тасдиқлаш.

11.2. Музейлар фаолияти соҳасида илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2023 йилдан бошлаб:

- ҳар икки йилда бир марта май ойининг иккинчи ўн кунлигида «Музейшунослик ва археология тадқиқотлари: долзарб муаммолар ва замонавий ечимлар» халқаро форуми ҳамда унинг доирасида илмий-амалий конференция, «Буюк ипак йўли» тадқиқотлари» кўп жилдли каталог тақдироти, кўрик-танлов, кўргазма-савдолар, театрлаштирилган концерт-томоша дастурлари ўтказилади.

13. Бугунги кунда мамлакатимизда турли йўналишда 1200 дан ортиқ давлат ва нодавлат музейлари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу маданият масканлари аждодларимиздан бизга мерос бўлган бойликни келажак авлодга етказиб берадиган илмий, маънавий-маърифий хазина бўлиб, у йиллар давомида бойитилиб, тарихдан мерос бўлган ашёлар, инсоният ижоди маҳсули сифатида яратилган санъат асарлари сараланиб, музейлардан жой олиб, умуминсоний бойликка айлантирилмоқда.

Хулоса ва тавсиялар:

1. Ўзбекистоннинг миллий туризмда музейларимиздан туризмда фойдаланиш бўйича Президентимиз, давлатимизнинг ва музейлардан туризмда фойдаланишда давлат миқёсида

ўтказилаётган тадбирларга асосланиб хулоса қиламизки, музейларимиздан туризмда фойдаланиш ҳалқимиз учун ҳам, халқаро туристлар учун ҳам, иқтисодимиз учун ҳам фақат ижобий натижаларни беради.

2.Ўзбекистонда музей туризмини ташкил қилиш ва самарали ривожлантиришда давлатимизнинг музейлар фаолиятидан туризмда фойдаланишдаги қўллаб-қувватлашни ҳисобга олиш, музей туризмини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ишлаб чиқишнинг илмий-амалий тадқиқотларини бажариш.

Адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Тошкент ш.,2018 йил 26 август.

2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси-Тошкент,25.01.2020.

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг“Музейларда хизматлар соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори, Тошкент ш.,2022 йил 27 май,ПҚ-261-сон.

4.Президент Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги “МАЪНАВИЯТ ҲАЁТИМИЗДА ЯНГИ КУЧ, ЯНГИ ҲАРАКАТГА АЙЛАНИШИ КЕРАК” мавзусидаги нутқи.

5.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Тошкент,1994 й, 23-декабр.

6.Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. Каримовнинг “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, Тошкент,1998 йил 12 январ.

7.Мухамедова М.С., Музейшунослик. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2013.-174 б.

8.Мамедсалиева Г. А, Хошимов Ш. Г., Посещение студентами музеев в Узбекистане:Анализ результатов опроса и рекомендации по улучшению. VIII INTERNATIONAL FORUM OF GUIDES “TOURIST AND EXCURSION ACTIVITIES: NEW CHALLENGES AND WAYS OF DEVELOPMENT”, FEBRUARY 21-22, 202521-22, 2025.-159-168 с.

9.Самаров Х.Қ., Миллий маданий мерос туризми, Монография,”Фан ва технологиялар нашриёт-матбаа уйи”,Тошкент,2022.-175 б.

10. Имомова Мохинур,Маданий мерос агентлиги ахборот хизмати, 14:29 / 15.11.2024

11.Ўринбоева Ю.П., Музей туризмини ривожлантириш – аҳоли фаровонлигини оширишнинг асосий омили. СЕРВИС, илмий-амалий ж., Самарқанд, 2024,2\1 сон,107-111 б.

12.Ўринбоева Ю.П., Ўзбекистонда янги-музей туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари. СЕРВИС, илмий-амалий ж., Самарқанд, 2024,2\1 сон, 83-87 б.

13.ЎринбоеваЮ.П.,ЯнгиЎзбекистонда музей туризмини ривожлантиришнинг назарий асослари. BIZNES –ЭКСПЕРТ №3, Тошкент,2024 8-12 б.

14.Ўринбоева Ю.П., Музей туризми ва аҳоли турмуш даражаси. BIZNES –ЭКСПЕРТ №4, Тошкент, 2024 58-64 б.

15.Ўринбоева Ю.П., Аҳолининг маънавий маърифий қадриятлари дунёсини бойитиш, ёш авлодни ватанга мухаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда музейларнинг аҳамияти. “Iqtisodiyot va turizm” xalqaro ilmiy va innovatsion jurnal,№2(16), Бухоро, 2024.-68-78 б.;

16.Ўринбоева Ю.П., Иқтисодиёт таркибига туризмнинг янги турларини киритишнинг аҳамияти. “Iqtisodiyot va turizm”xalqaro ilmiy va innovatsion jurnal, №3(17), Бухоро, 2024.-44-54.б.

Muassislar:
Buxoro davlat universiteti
“Economic science” mas'uliyati cheklangan jamiyati

"IQTISODIYOT VA TURIZM" xalqaro ilmiy va innovatsion jurnali 2025-yil 5-son (25) 2021-yildan chiqa boshlagan. OBUNA INDEKSI: 200117 Manzil: Buxoro shahri, M.Iqbol ko'chasi, 11-uy, 2-bino, 403-xona.	ilmiy va innovatsion nashri Jurnal oliy o'quv yurtlarining professor- o'qituvchilari, ilmiy tadqiqotchilar, ilmiy xodimlar, magistrantlar, talabalar, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari hamda maktab o'qituvchilari, shuningdek, keng ommaga mo'ljallangan. Jurnalda nazariy, ilmiy-metodik, muammoli maqolalar, fan va texnikaga oid yangiliklar, turli xabarlar chop etiladi. Nashr uchun mas'ul: Gavhar XIDIROVA Muharrir: Navruz-Zoda Baxtiyor Negmatovich	Jurnal tahririyat kompyuterida sahifalandi. Chop etish sifati uchun bosmaxona javobgar. Bosishga ruxsat etildi 20.10.2025 Bosmaxonaga topshirish vaqti 25.10.2025 Qog'oz bichimi: 60x84. 1/8 Tezkor bosma usulda bosildi. Shartli bosma tabog'i – 12,0 Adadi – 100 nusxa Buyurtma №701. Bahosi kelishilgan narxda. “Sadriddin Salim Buxoriy” MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Bosmaxona manzili: Buxoro shahri M.Iqbol ko'chasi 11-uy.
--	--	--